

## ҲҚЗИЛЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ТАХЛИЛИ

**Зияева Камола Зияиддиновна**  
Андижон давлат университети

**Аннотация:** Мақола мулоқотнинг ўзига хос беагаги хисобланмиш, айни дамда тўлалигича ёритилмаган ҳазилларнинг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларини кўздан кечиради.

**Annotation:** The article examines the linguistic and extralinguistic aspects of jokes, which are considered to be a unique decoration of communication, and which are not fully covered at the moment.

Экстралингвистика бу – нутққа турли тўхталишлар, инсонга, аввало унинг руҳиятига хос бўлган йиғлаш, кулиш, хўрсиниш, бақриш, турли юз ифодалари ва бошқалардан фойдаланган холда мулоқот қилишидир. Экстралингвистик воситалар ёрдамида сўзлашув жараёнида тил бирликларидан унумли фойдаланилади. Сўзловчи ўз хис-туйғуларини, фикрларини, ички холатини тингловчига аниқроқ ва тўлиқроқ етказа олади. Кўшимча воситалар ёрдамида шахс ўз қувончини ёки нафратини, ҳайрати ёхуд тушкунлигини кўрсата олади. Нутқ жараёнида сўзловчи теллашиши, секинлашиши, тўхталиши, овозини баландлатиб ёки пасайтириши мумкин. Бу табиий холда кечуви жараёндир. Инсон ҳазил қилаётганда эса, юқоридаги экстралингвистик воситаларнинг деярли барчасидан фойдаланади. Монотон оҳангда сўзланган ҳар қандай ҳазил ҳеч қандай қиматга эга бўлмайди.

Хорижликлар асосан “ўзбек” миллатининг умумий ва ҳамма учун тушунарли ҳамда таниш бўлган тавсифига аҳамият қаратадилар. Аксинча, унинг турли қатламлари, географик жиҳатдан аҳолининг турли маданият соҳиблари эканлиги уларга нотаниш. Ҳар бир вилоят ўз худуди, шеvasи, аналари, удумлари, ҳаёт тарзи, феъл-атвориға эга.

Ўзбек лингвомаданияти икки босқичли даврни ўз ичига олади. Биринчиси, тарихий меросни шу кунгача сақлаб қолган этник автопортрет, иккинчиси замонавий ва бошқа маданиятлар таъсиридаги ҳамда янги турмуш тарзидаги ўзгаришлар билан қоришиқ бўлган чизгилардир.

Ўзбек юмори қадимий халқ оғзаки ижоди доирасида шаклланган ва узоқ йиллар давомида ташқи омиллар воситасида ўзгарган ва ўзгармоқда.

Матнга кўчаётган ҳазиллар аслида кундалик мулоқотларнинг ёзма шаклидир. Қўлланган сўзларнинг кулгу хосил қилиши натижасида тилдан-тилаг кўчади ҳамда сўзловчи номидан эмас, балки ҳамма учун маълум ва машҳур бўлган, миллат қаҳрамони тилидан сўзлай бошлайди. Шу тарзда турли латифалар, ҳажвиялар, мутойибалар ва бошқа ҳазил турлари пайдо бўлади. Ҳазиллар таркибида шундай жумлалар ҳам бўладики, улар фақат шу тил ва

маданият сохиби бўлмиш аҳоли учунгина тушунарли бўлади. Ҳазиллар аксарият ҳолларда халқ томонидан яратилади ва унинг муаллифи ноаниқлигича қолади. Ҳазил қахрамонлари бу миллат маданиятини ўзида акс эттирувчи тимсолларидир.

90-йилларга қадар ўзбек тилшунослигида экстралингвистика соҳаси деярли ўрганилмаган. Дунё миқёсида тилнинг бошқа қатламларига эътиборнинг юксалиши ўзбек тилшунослигида ҳам бир талай ўзгаришларга сабаб бўлди. Паралингвистика ва экстралингвистика устида бир қанча олимлар тадқиқотлар ўтказдилар ва ўтказмоқдалар. Улардан бир қанчаларини санаб ўтиш мумкин.

- Сўзлашаётганда тингловчининг кўзига қараб гапириш,
- Жаҳл чиққанда кўлини паҳса қилиб гапириш,
- Ҳамдардлик билдириш асносида туйғуларин тингловчига етказиш учун бошини силкитиш,
- Қошларни чимириб сўзлашиш,
- Киноя маъносидаги суҳбатларда лабнинг бир томонини буриб гапириш,
- Сўзловчининг гапларига ижобий муносабатни билдириш мақсадида унинг елкасига уриб жавобқайтариш,
- Менсимаслик маъносида юз ифодаси, яъни лаб буриш ёки қош кўтариш,
- Баланд овозда ҳандон отиб кулиш,
- Атрофдагилардан муҳофаза қилиш мақсадида оғизни тўсиб гапириш,
- Суҳбатдошларнинг ўта яқин масофадан туриб сўзлашишлари ва бошқалар.

Айнан ана шу ҳаракатлар қайсидир сўзлар ўрнига қўлланилиш ва суҳбатга ўзгача кайфият бағишлаши мумкин. Ўзбек халқининг бошқа миллатларга ўхшамаган турли ҳаракатлари мавжуд бўлиб, улар мулоқот жараёнида юзага келади. Нотиқ сўзлаш жараёнида тингловчининг эътиборини ўзига жалб этиш учун айнан экстралингвистик воситалардан фойдаланади, акс холда тингловчиларда уни тинглашга бўлган иштиёқ сўнади.

Умуман олганда мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи нафақат лисоний бирликлардан, балки турли оҳанг ва ҳаракатлардан фойдаланадилар.

Изланишлардан келиб чиқиб ўзбек миллий қаҳрамони хисобланмиш Ҳўжа Насриддин афандини нафақат кулгу тимсоли, балки, доно, закий, ҳозиржаноб, чин инсоний хислатларга эга бўлган олийжаноб, оддий халқ дардини киноя остида етказувчи, адолатсизликлар ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳазилга йўғриб ечим изловчи халоскор сифатида қаралади.

Пошшо Афандини масхаралаш мақсадида сарой аҳлини йиғиб, фармони олий ўқиди:

— Биз бугундан бошлаб Насриддин Афандини эшак бошилиқ мартабасига мувофиқ кўрдик..

Афанди ўрнидан туриб пошшога таъзим қилди ва тахтдан ҳам юқорироқ бир жойга бориб ўтирди.

— Ҳа, Афанди, — деди пошшо,— нима учун мендан ҳам юқориоққа ўтирдингиз?

Афанди қўлини кўтариб деди:

— Тақдирга тан беринг, шоҳим! Мен ўз вазифамни бажаришга киришдим!

Юқорида келтирилган латифа сўзимизнинг исботи ўлароқ хизмат қилади. Бу ерда подшоҳнинг оддий халққа нисбатан бепарволиги, халқ олдидаги масъулиятини хис қилмаслиги, унинг муаммоларига бепарволиги ва мансабидан фойдаланиб, оддий одамлар устида кулиши латифа ортига яширинган. Халқ подшоҳ олдида келиб, ундан норозилигини тўғридан-тўғри ифода эта олмайди. Акс холда жазо тайинланиши муқаррар. Шу сабабдан ҳам реалликда мавжуд бўлмаган тўқима қаҳрамон тилидан сўзланади. Насриддин подшоҳнинг сўзларига жавобан тана ҳаракатлари орқали ҳам вазиятни ўқувчи ҳаёлида жонлантормоқда.

Тадқиқотнинг эмпирик манбаси сифатида ўзбек халқининг миллий қаҳрамони Насриддин Афанди латифалари ва уларда қўлланилган ибораларни танлаб олдик. Насриддин Афанди иштирокдаги ёзма матнлар, кишилар орасдаги оғзаки латифалар ва бадиий фильмлар жуда машҳур. Тадқиқот давомида уларга алоҳида эътибор қаратамиз. Аввалдан мавжуд бўлиб келган латифалар таркибида эскирган ва ҳозирги кунда қўлланилмайдиган сўз ва жумлалари мавжудлиги боис, ўз таъсир кучини йўқотган. Ваҳоланки, ҳажв қаҳрамони сақланиб қолган ва омма орасида янги, ёш авлодга тушунарли бўлган замонавий кўринишдаги латифалар оммалашиб бормоқда. Бу фольклор шахсни ҳазилларда қўлланилишидан мақсад, ҳаммага танишлиги ва умумийлигидадир. Масалан:

Афанди бир куни эшак миниб кетаётса, чорраҳада ДАН ходими кўриб Афандини тўхтатибди. Шунда Афанди тормоз ишламайди, деб ўтиб кетибди.

Тадқиқотларнинг мақсадидан келиб чиқиб, тилшунослик нуқтаи назарида ҳазилларнинг тасодифийлик қонуниятлари жуда муҳимдир. Бунга асосий сабаб, ўқувчи ўқиётган матнидаги товуш тасвирлари ва ҳазил моҳиятини англай олиш керак.

Агар бунинг акси бўлса, матн ўзининг ҳазил характерини йўқотади. Ҳазил тингловчиси акустик тасвир ёрдамида ҳазил ходисасини тасаввур қила олади. Тасодифийлик назарияси ҳар доим ҳам ҳазил таркибида акс этавермайди. Масалан, нарса-буюмларнинг ёки жониворларнинг овози ёки уларга қилинган тақлид қилишдан ҳосил бўладиган товушлар махсулидир. Юқоридаги сўзларни ономотопеялар деб ҳам юритиш мумкин. Улар асосан матн ва овозли тасвир ўртасидаги боғлиқликлар ҳар доим ҳам тасодифий эмаслигини исботлаш учун танлаб олинган. Миллатимизнинг ҳазил-мутойиба йўналишида тимсол ҳисобланмиш Насриддин афанди латифалари юқорида келтирилган тарифлардан ҳоли эмас.

Бир куни Афанди уйда ўтирса, қўшни хонадондан шовқин эштилибди. Афанди деворда илиниб турган милтиғини секин олиб хонага кирса, рўпарасида қоп-қора нарса турганмиш. Афанди “пақ” этиб отибди. Халиги нарса барибир шундайлигича турганмиш. Секин бориб қараса ўзининг чопони экан. Шунда Афанди:

- Яхшиям ичида ўзим йўқлигим. Бўлмаса, ўзимни отиб қўйардим – дермиш.

Ушбу латифада “пақ” сўзи милтиқ отилишидаги ундан чиқадиган товушга ишлатилган тақлид бўлиб, латифа бу сўзнинг иштирокисиз ҳам маъно ўзгармай айтилиши мумкин эди, аммо матнга реал ҳолатни тасвирлаш ва ўқувчига тўлақонли ва қизиқарли тарзда етказиш мақсадида қўлланилган. Халқимиз орасида машҳур бўлган сўз усталари бундай товуш тақлидалридан унумли фойдаланадилар. Улар шунингдек, турли юз ифодалари, имо-ишоралар, сукут ва тўхталишларни қўллаган ҳолда комик ҳолат ҳосил қиладилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳазилларга барча миллатлар ва маданиятларнинг мероси сифатида ёндошиш керак. Масалан, маълум бир ҳазил турли тилларга таржима қилинади ва ўзлаштирилади. Мисол тариқасида фильмлардаги ҳазил иборалрни келтирсак, улар кундалик ҳаётда суҳбат жараёнларининг маълум маъно касб этувчи қисмига айланади. Ёки барча учун тушунарли бўлган ҳазиллар бошқалар томонидан қўшимчалар киртилиши оқибатида дунё бўйлаб саёҳат қилади.

Америкаликлар нон ўртасига гўшт солиб, гамбургер деб аташди.

Италияликлар хамир ўртасига пишлоқ солиб, пицца дейишди.

Турклар хамир ичига қийма солиб, донар дея таомини номлашди.

Руслар хамирга картошка солиб, пирожки деб аташди.

Ўзбеклар хамир ичига пиёздан тўлдириб солиб, гўштли сомса деб номлашди.

Юқорида келтирилган мисол аслида ўзбек ҳажвияси бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, айнан турли миллатлар вакиллари иштирок этган бу каби ҳажвиялар дунё бўйлаб кенг тарқалган ва ҳар бир миллатда ўз номини ҳам киритиб ҳазил ўзгартирилади ва ана шу миллат мулоқотида ўзлаштрилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳазил муайян бир қатламга белгиланган чегара ҳисобланибгина қолмай, уларни бирлаштирувчи ёки бир-бирларидан узоқлаштирувчи мулоқот туридир. Бир миллатга тегишли хусусиятларни ўрганмай туриб, унинг ҳазиллари, киноялари, латифаларини тушуниш мушкул. Бошқа тадқиқотчи олимлар фикрига кўра эса, ҳазиллар ҳар доим ҳам халқ ёхуд миллатнинг маданий мулки эмас, балки дўстона, самимий, қувноқ суҳбатларда юзага келувчи табиий, айна дамда тасодифий бўлган ходисадир. Натижада нутқ узатувчи уни қабул қилувчининг миллий келиб чиқишига аҳамият қаратмайди. Бошқа сўз билан изохлаганда сўзловчи ва тингловчи айнан бир маданиятга қарашли бўлганда эмас, айнан турли маданиятлар ўзаро тўқнашганда юзага келади. Юмористик рангдорлик – барча лингвомаданиятлар учун махсус ходиса

хисобланиб, асосан стереотипларга, тафаккурга, англаш ва жавоб бера олиш қобилиятига, алоҳида миллатга мансублигига, бир миллатга мансуб, аммо турли шевага эгадорлигига таянади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Карасик В.И. Анекдот как предмет лингвистического изучения // Жанры речи. Саратов: Колледж, 1997. – С. 144-153.
2. Кулинич М.А. Лингвокультурология юмора (на материале английского языка). Самара, 1999
3. Ross, A. (1998). The Language of Jokes. London: Routledge.